

ВАТАНГА МУҲАББАТ РУҲИНИ ШАКЛАНТИРИШДА БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ МАҶНАВИЙ-ПСИХОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Ёрбулова Дилдора Сокир қизи

Тошкент вилояти педагогика университети Ўзбек тили ва адабиёти 3-курс талабаси

ARTICLE INFO.

Tayanch so‘zlar:

бадиий – эстетик, Бухоро ва Самарқанд, Холчаён, Бактрия, Кушон, XIX аср, Навойй, Бобур, Шабоний, Машраб, Оғахий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Герменевтика, Мухаммад Юсуф.

Аннотация

Ушбу мақола Ватан хақидаги бадиий адабиётнинг тасвир орқали далиллашини изоҳлаб беради. Бадиий талқин адабиётнинг ше’рият жанри орқали намоён бўлади. Мақолада худди шундай мавзу таҳлилга тортилади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2022 LWAB.

Ёшларда Она-Ватанга муҳаббат руҳини пайдо қилиш ва уни тарбиялаш, такомиллаштириш шу заминда яратилган миллий – маънавий ёдгорликлар, адабиёт намуналари моҳиятини очиб бериш, уларнинг миллий менталитет ва ўзбекона дунёқарашни шаклланишидаги ўрни ва аҳамиятини ёшларга тушунтириш орқали ҳам амалга ошади. Миллий санъатга муҳаббат руҳида тарбияланган инсон ўзида она заминга нисбатан чуқур муҳаббат, унинг ўтмиши, бугуни ва эртаси учун ўзида улкан масъулият ҳис қиласи.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва хукумати томонидан бу борада олиб борилаётган тадбирлар таҳсинга сазовор, хусусан, Биринчи Президент Ш. Мирзиёев томонидан ёшларда миллий руҳ ва менталитетни ошириш борасида ўтмиш ва замонавий маданият ёдгорликларини, буюк шахслар ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш зарурлиги таъкидланган эди. Унинг ёш авлод тарбиясига бағишланган асарларида, ҳар қайси ҳалқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар, осори-атиқалар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши, алоҳида таъкидланган эди.

Ҳар бир давлат цивилизацияга эришган мамлакат сифатида замонавий маданиятга миллат эшикларини кенг очиб бошқа давлатлар билан санъат борасида ижодий ҳамкорликка интилар экан ундан давлат, миллат, бинобарин, ҳалқ энг аввало миллий қадриятларни сақлаш, уларни баҳолаш, санъат намунаси сифатида бадиий – эстетик қирраларини аниқловчи миллий мутахассисларга эҳтиёж сезиши табиий.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси қадимий санъат ўчоқларидан бири сифатида ўзига хос анъана ва маҳорат мактабларига эга. Агарда Бухоро ва Самарқанд санъат мактаблари ўзларининг кўхна шакл ва фалсафаси билан ажralиб турса, Фарғона, Тошкент, Қўйкон санъат мактабларида замонавий санъат миллий анъаналарга уйғунлашган. Санъат асарларининг услуби, бадиий –

эстетик аҳамияти, унинг даври, асллиги, қайси услугда ишланганлиги, қайси мактабга, сулолага оидлиги, шунингдек, миллат менталитетини белгилашдаги ўрни ва ролини аниқлаш бевосита санъатни ташкил жараёнини ўрганиш билан боғлиқ.

Ватанимизда аниқланган санъат ёдгорликлари кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, дунё цивилизациясида ўзининг ўрни ва роли билан аҳамиятлидир. Холчаён, Бактрия, Кушон давлати, хоразмийлар, темурийлар, шайбонийлар даврида яратилган маданий ва тарихий обидалар, зардўшийлик дини ёдгорликлари ва санъат асарлари дунё санъатшунослари томонидан ниҳоятда қадрланади.

Адабиёт инсоният тафаккурининг энг жозибали маҳсулларидан бири ҳисобланади, у инсоннинг тасаввур олами билан яратилган мўъжиза, иккиласми олам, инсоннинг нафақат ўтмишини, бугуни ва эртасини, у эришган ютуқлар, йўл қўйган камчиликларга объектив, танқидий назар билан қараш имконини берувчи манба ҳамдир.

Инсоният тарихи давомида адабиёт турли ривожланиш босқичларни кечириб келган. Ҳалқ оғзаки ижоди сифатида, асосан диний маросимларни адо этиш жараённида пайдо бўлган адабиётнинг ибтидоий кўринишлари йиллар, асрлар, минг йилликлар ўтиши билан инсоният тараққиёти билан ҳамоҳанг тараққий этиб, мураккаб шаклларни, кўринишларни қабул қилди. Бугунги кунда адабиёт нафақат инсон тафаккурининг маҳсули, балки инсон ҳаётининг ажралмас қисми, инсонни инсон эканлигини кўрсатиб турувчи, унинг ақли, унинг тасаввур олами нималарга қодир эканлигини намоён этувчи воситага айланган. Асрлар давомида адабиёт ўзининг тарбияловчи, илм-маърифат таратувчи ҳусусиятлари, инсонларни эзгуликка етакловчи кучи билан бошқа санъат соҳаларидан ажралиб турган. Адабиёт барча ҳалқлар маданиятини ташкил қилувчи санъатнинг бошқа йўналишлари, жаҳон ҳалқлари ҳаёти давомида яратилган маданий ёдгорликлар билан бир қаторда турувчи омиллардан биридир.

Антик адабиётдаги мифологик тафаккур ўрта асрларда реалистик манзараларда, янги даврда эса романтизм ва реалистик тасвир усулининг чатишган мезонларини шакллантириди. XIX аср адабиётида бош планга кўтарилиган ҳол бу- инсон ички дунёсининг поэтик тасвири эди. Инсон ички дунёсининг индивидуал қирраларини топиш, унинг янги штрихларини кашф қилиш, бинобарин, ижтимоий психологиянинг янги-янги тамойилларини шакллантириш бадий адабиёт, тафаккурнинг фақатгина фалсафий - эстетик ҳодиса ҳолатини истисно қилди.

XX асрнинг 90-йилларида инсоният иккита буюк инқилобни бошдан кечирди. Булардан биринчиси сиёсатда, иккинчиси технологияда амалга оширилди. Сиёсий инқилоб социалистик лагерни барбод қилди, чегараларни очиб юборди ёки интизомни бўшаштириди. Одамларнинг дунё бўйлаб эркин айланиб юришлари учун шароит яратди. Илм-фан натижаларининг инсон фактори ёки оммавий нашр, китоб воситасида ҳалқаро истилоҳга кириши тезлашди. Коммуникациянинг кучайиши янги бадий асарлар билан бирга, янги адабий қарашларнинг ҳам ўзлаштирилишида ҳудудий тўсиқларни олиб ташлади. Шу ўринда иккincinni – технология соҳасидаги инқилобнинг ҳам ўрни ва аҳамияти буюк. Одамлар компьютер, мобил алоқа воситалари орқали қисқа муддатларда борлиқнинг турли чеккасида юз берган, бераётган ёки хаттоқи юз бериши мумкин бўлган янгиликдан хабардор бўлиш имкониятига эга бўлиб қолдилар.

Имкониятларнинг кенгайиши инсон онги, тафаккури, бадий-эстетик қарашида улкан ўзгаришлар ясади. Натижада одамлар борлиққа, ҳаётга, жамиятга тамомила янги кўз, янги нигоҳ билан қарай бошладилар. Авваллари инсон менталитетида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий фактор бош роль ўйнаган бўлса, эндиликда инсон ички дунёси, индивидуал психология, унинг қалб манзараларини ўрганиш, шу орқали борлиқнинг, жамиятнинг янги рангларинии кашф қилиш муҳимроқ бўлиб қолди. Бадий асарнинг ҳам санъат намунаси, ҳам ижтимоий – эстетик онг намунаси сифатидаги имкониятидан фойдаланган ҳолда жамият психологиясининг янги

рангларини топиш, яратиш ва шакллантириш борасидаги имкониятлари герменевтиканинг асосида ётади. Бадий матн таҳлили орқали инсон асарда акс этган ҳаёт манзарасини ўзи имконияти даражасида ўз менталитетига мувофиқ шаклда қабул қилиши мумкин. Тасаввурда яратилган ҳаёт манзаралари романтизм, ҳаёт ҳақиқати акс эттирганларини эса реализм мактабларининг оқимларини яратади.

Ўзбек мумтоз адабиёти поэтикасининг тадқиқи кўлами бекиёс. Унинг изланиш обьектлари ва аспектлари бадий жараённинг деярли барча хусусиятларини қамраб олган. Навоий, Бобур, Шабоний, Машраб, Оғаҳий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат ва яна қатор классикларнинг ижодий мероси тадқиқот доираси кенглиги билан ажralиб туради. Айниқса, навоийшунослик, навоийхонлик нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон миқёсида кенг масштабга эгалиги таҳсинга сазовор. Классикларнинг ижодий мероси тўла ёки айрим тўплам ва алоҳида асарлари мисолида амалга оширилган. Бундай ишларда асосий эътибор энг аввало ижодкор адабий меросининг фоявий хусусиятларини ўрганишга қаратилган эди.

Ўзбек мумтоз бадий адабиёти тилини ўрганиш хусусида айтиш мумкини, адабий тил умумхалқ тилининг муайян қолипга солинган шакли бўлиб, унинг барча лисоний хусусиятларини қамраб олади, ўзининг барча қирралари билан бадий адабиётда намоён бўлади. Бироқ ҳар қандай бадий асарни адабий тил намунаси деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди, чунки бу ҳол бадий асарнинг индивидуал ижод намунаси эканлигини истисно қиласди. Шоир (ижодкор) ўз асарларида гоҳ ҳазил, гоҳ чукур фалсафий маъноли фикрларга таянган ҳолда тасодифан янги, кутилмаган фикрларни, тушунчаларни кашф қиласди. Ижодкорнинг бадий фантазияси унинг лисоний имкониятлари, ҳалқ тилидан қанчалар баҳраманд эканлиги ва ўзи эгаллаб турган тил хусусиятларини бадий матнда қанчалар маҳорат билан қўллай олишидан иборат. Бироқ ёлғиз билиш ва қўллашнинг ўзи муаллифнинг чекланган имконияти холос, у шунинг учун ҳам ижодкорки, тилнинг янги бадий имкониятларини ҳосил қилиши, яратиши лозим. Худди мана шу ўринда ижодкор окказионал ҳолатлар вужудга келтиради, бадий фантазия яратади, бадий тафаккурнинг янги қирраларини шакллантиради. Бинобарин инсон ижодиёти имкониятларини кенгайтиради. Тилнинг лексик-семантик имконияти, ўқувчи-китобхон менталитети ва унинг ижодий тайёргарлиги мана шундай шароитда бадий матн ифода имкониятларининг герменевтик тараққиёти асосида ётади.

Адабиёт маданиятни яратувчи омиллардан бири, уни ташкил қилувчи асосий таркибий қисмлардан бири сифатида қаралар экан, шу ўринда герменевтика санъатини таъкидлаб ўтиш жоиз. Герменевтика маданиятни матнларда кўради. Герменевтика учун борлиқ матнлар йиғиндиси, аниқроғи матнлар йиғиндисини яратувчи механизmdir. Матн бу – борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг шакл ва мазмуни ёки тани ва жонидир, бизнинг тасаввур ва онгимизда акс этган ҳар қандай ҳодиса. Матн олиниши керак бўлган маълумотларни сақловчи восита сифатида, ҳамда такрорланмас, муаллифнинг ўзига хослиги билан яратилган санъат асари сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Санъат герменевтикасида инсон томонидан яратилган санъат воситаларининг хаёлий фантазияси тасаввур қилинади ҳамда унинг эстетик тарбиядаги ўрни ва аҳамияти баҳоланади. Турли ҳалқлар маданияти намуналарининг турли давларда яратилган санъат намуналари матн сифатида ўша давр руҳи ва менталитетига мос колорит билан турлича талқин қилинади. Бир ҳалқ маданиятининг маҳсули сифатида яралган бадий асар бошқа ҳалқ маданиятида умуман бошқача ёндошув билан талқин қилиниши мумкин. Бадий асар матни ўзига уни яратган маданиятни сингдириб олган маҳсулот ҳисобланади. Ўқувчининг бутун эътиборини талаб қиласиган ва шундагина тушуниб етиш мумкин бўлган асарларни тушуниш улар ўқилаётган давр ва ўқувчиларнинг билим савиасига боғлиқ бўлади. Энди бу асарни тушунишда ижтимоий-маданий лаёқат деган тушунчанинг аҳамияти олдинга чиқади. Ижтимоий-маданий лаёқат инсоннинг универсал ва шахсий, маданий билимлари, эрудицияси йиғиндисидир. Бу лаёқат

индивид яшаётган ижтимоий гурух ичида эрта ёшлигидан шакллана бошлайди, у туғма бўлмасдан, балки босқичма-босқич, атрофдаги жамият билан доимий мулоқотда бўлиш орқали шаклланади. Бу лаёқатнинг шаклланиши бирмунча онгсиз характерда кечади, чунки инсон ҳаёти давомида этник-маданий билимларни қачон ва қайси манбадан ўзлаштирганлигини доим ҳам эсда сақлаб қолавермайди. Шунинг учун ҳам бошқа мамлакатда, маданиятда ва даврда яратилган бадиий асарни тушуниш бирмунча қийин жараён ҳисобланади, чунончи бошқа маданиятда вужудга келган лисоний воситалар, асарда аксини топган ҳалқ менталитети ўқувчига нотаниш бўлиши мумкин. Ҳаттоқи битта маданий социум ичида ҳам универсал, кўпчилик тушуна оладиган ёки маълум маданий социум ичида яшовчи маълум бир гуруҳгина тушуна оладиган маданий аллюзиялар мавжуд бўлиши мумкин.

Шоир Мұхаммад Юсуф доимо ҳалқ дилига, кўнглига яқин гапларни жуда топиб ва равон айтган. Унинг шеърлари ўз оҳангги билан ёзилган. Ҳали сиёҳи қуримаган сатрларнинг ҳофизлар томонидан ижро этилишининг сабаби ҳам шунда бўлса керак. Қолаверса, шоир ижодида ватан мавзусининг кўлами кенг. У Ватан, юрт гўзаллиги, муҳаббат, она, дўстлик ва садоқат ҳақида такрорланмас асарлар яратди. Шоир ўзининг ички хис-туйғуларини кўйламади, аксинча ҳалқ қувончини ўз қувончи, ҳалқ дардини ўз дарди деб билди. Асосан ўлмас мавзуларда асарлар ёзди.

Мұхаммад Юсуфнинг “Улуғимсан Ватаним” шеърлар тўпламини ўқиган ҳар бир китобхон, ҳар бир инсон Ватанини, ёри севиш учун ўз борлиғидан факт излайди, ардоқлашни ўрганади. Унинг “Биздан озод Ватан қолади”, “Ватан”, “Она Туркистон”, “Ўзбекистон”, “Ватан ягонасан”, “Ёшлар мадҳияси”, “Ватани севинг”, “Ватан мадҳи” каби шеърларини эслаш кифоя. Улардаги ҳар бир ўзбек қалбида яширинганди миллий рух сўз орқали гавдаланади. “Ватан мадҳи” шеърида шоир оддий, содда равон мисраларда Ватани севишга ундейди:

Ўпинг, кўзингизга суринг тупроғин,

Ҳар сўзин муқаддас дуодек севинг.

Қаданг юракларга миллат байроғин,

Ватани Нажмиддин Кубродек севинг.

Бу мисраларда шоир улуғ ватанпарвар, ватан озодлиги учун онгли равища жон фидо қилган Куброни намуна қиласи ва унинг тимсоли инсонга озодлик сўзи уфоридаги баҳт тасаввурини уйғотади. Зотан баҳтли инсон ҳар нарсага тайёр.

...“То жаҳон бор экан, ҳамиша бор бўл,

Темурнинг юртисан, дойим тождор бўл.

Пойингга баҳшида жонимга ёр бўл,

Ватан ягонасан дилимда дойим”...

Бу жўшқин мисраларни ўқир эканмиз, Ватанинг чинакам ошиғи бўлган фидойи фарзанднинг дил изҳорларини тинглаймиз. Шоир Ватанинг дунё тургунча туришини, бор бўлишини истайди. Шоир тўпламининг “Шаҳарлар мадҳи” бўлимида азим Тошкентга бўлган муҳаббатини оддий ўзбекнинг ҳақиқий ватанпарварлик изҳорига айлантиради, уни шундай оддий, ўзбекона луқмада берадики, шеър руҳий истиғфорга айланади:

Эй куёшга қариндош шаҳар,

Тингламассан балки арзимни.

Қирқ йил қуллуқ қилсам ҳам агар,

Узолмасман сендан қарзимни.

Мұхаммад Юсуфдаги она Ватан унинг барча бурчаклари тавсифи билан уйғун. Бинобарин,

Ватанни борича, унинг бор бўй-басти билан сев. Худди шу ният унда ватаннинг турли нуқталаридағи она заминга атаб қўйилган мадҳиялар ҳайкалига ўхшайди. Мұхаммад Юсуфнинг “Мингтепа қўшиғи”, “Андижон”, “Махалла”, “Шаҳрихон” шеърларини фарзанднинг онага миннатдорчилик мадҳияси дейиш мумкин.

Шоир ижодини эътироф этган устози Абдулла Орипов қўйидагича ёзди: “... Дарҳақиқат, ўз элинин, халқини, Ватанини чин фарзанддай, беғараз сидқидилдан яхши кўрар эди. Шу меҳрнинг натижаси ўлароқ, унинг шеърияти ҳам худди шундоқ беминнат ва беғараз шеърият сифатида майдонга келди. Санъаткорлар-ку унинг ҳар бир мисрасини созга солишига тайёр эдилар. Ҳақиқий маънодаги барҳаётлик, завол билмаслик Мұхаммад Юсуф ижодига ҳам тааллуқли бўлгай десам, иншоллоҳ, хато қилмагайдирман”.

Бадиий адабиёт намуналари у ёки бу шаклда инсон онгига миллий – маънавий рухни сингдиради. Инсонни руҳан ва психологик тарбияси орқали унда атроф-муҳитдаги турли ғояларга нисбатан ўзига хос иммунитетни шакллантиришга хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мұхаммад Юсуф. Тўплам: Т – Шарқ, 2018
2. [ххтпс://зиёуз.ком](http://зиёуз.ком)
3. [ххтпс.тафаккур.ком](http://тафаккур.ком)